

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади


Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Учинчи сменада электр энергияси арзонлашади

Президент қарори билан иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди (10.07.2020 йилдаги ПҚ-4779-сон).



Ҳужжатга мувофиқ:

- 2020 йил 1 августдан электр энергиясини янги ишга туширилаётган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф белгиланади;

- қайта тикланувчи энергия манбалари (ГЭСлардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш аукцион савдолари орқали амалга оширилади;

- 2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (ДСҚ тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тўғри даврда (соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилади;

- табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30%гача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 8-б.). Тегишсинча, ушбу юридик шахсларга

- табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30%гача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 8-б.). Тегишсинча, ушбу юридик шахсларга

умумий тартиб татбиқ этилади: Мажбурий иккунча биросини хабардор қилган ҳолда олдиндан 100% ёки 50% тўлов).

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 3,3 млрд кВт соат электр энергияси,

- 2,6 млрд м³ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда

тутувчи 2020 – 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари

тежашнинг мақсадли параметрлари;

- Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича «Йўл харитаси»;

- Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан

ортиқ сарфли ёқилғи ёки бир минг тоннадан

ортқик мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан

(энергия аудитидан) ўтказишнинг 2020 – 2022 йиллар даврига мўлжалланган

жадвали;

- Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси ва унинг Қўзғатув кенгаши таркиби, маблағларни шакллантириш манбалари ва улардан

фойдаланиш йўналишлари.

Ҳужжатда Энергетика вазирлигининг Ягона ахборот тизимини яратиш, уни 2021 йил якунигача ишга тушириш назарда тутилган. Ягона ахборот тизимидан олинган тахлилий маълумотлар асосида юқори энергия истеъмолига эга корхоналарни мажбурий энергия аудитидан ўтказиш механизми жорий этилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидаги топшириқларни бажариши лозим:

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қоидаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- энергия аудитини ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- энергия аудиторини танлашнинг бозор механизминини жорий этиш;

- тарифларни тартибга солиш, шу жумладан энергия аудити якунларига қўра тавсияларни бажармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлиқ учун оширилган ставкаларни қўллашнинг самарали механизминини яратиш;

б) 2 ой муддатда 285 та йирик саноат корхонасида энергия аудитини ўтказиш

учун етакчи компаниялар (маҳаллий ва халқаро) жалб қилинишини таъминлаш,

ушбу корхоналар рўйхатини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.07.2020 йилдан қучга кирган.

Эльмира Сиразиева.

Солиқ аудитини ўтказиш тартиби белгиланди

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида Низом (30.06.2020 йилда 3251-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қабул қилинди.

Солиқ кодексига мувофиқ, солиқ аудити солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида, унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади.

Жиноят иши доирасида солиқ тўловчининг молия-ҳужжалик фаолиятини тафтиш этиш Жиноят-процессуал кодекс ва Солиқ кодекси талаблари асосида ўтказилади.

Низомга мувофиқ, солиқ аудити қуйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:

- солиқ органида хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган ахборот тизими («Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти) орқали аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган;

- камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), аниқланган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки тақдим қилинган асосномалар етарли эмас деб топилган юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган;

- ихтиёрий тугатилаётган;

- жиноий иш кўзгатишган;

- аввал ўтказилган солиқ аудити чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган.

Солиқ аудити:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан ўз ҳудудида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган солиқ тўловчиларда;

- йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан йирик солиқ тўловчиларда;

- Давлат солиқ қўмитаси томонидан юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда ўтказилади.

Низомда назарда тутилганича, солиқ аудити:

- солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборганидан кейин 30 календарь кун ўтган ўтказилиши мумкин;

- солиқ тўловчига (солиқ агентига) солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ топширилган кунда бошланади;

- ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома имзоланган кунда тугайди;

- 30 иш кунидан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Солиқ аудитини ўтказиш муддати СК 142-моддасига мувофиқ ўзайтирилиши мумкин;

- фақат даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги даврни қамраб олади;

- солиқ тўловчида айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортиқ ўтказилмайди,

бундан солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно;

- солиқ тўловчининг Текширувларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилганидан сўнг ўтказилади.

Солиқ аудити натижалари текширув тамомлангандан кейин 3 кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

Низомда қуйидагиларни амалга ошириш тартиби белгиланган:

- солиқ органи томонидан солиқ аудитини ўтказиш доирасида, аудитини ўтказишдан олдин солиқ тўловчига ҳужжатларни юбориш;

- солиқ аудитини тайинлаш;

- солиқ аудитини ташкил этиш ва ўтказиш;

- тугатилаётган солиқ тўловчиларда солиқ аудитини ўтказиш;

- ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш;

- текширилаётган солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

- учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш;

- ҳужжатларни ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш.

Ҳужжатда солиқ аудитининг иштирокчилари ҳам санаб ўтилган ва солиқ аудити натижаларини расмийлаштириш тартиби кўрсатилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан қучга кирган.

Баҳодир Қамов.

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

4-БҲМС ва бошқа янги ҳужжатлар билан таништирамиз

7-БЕТ

Бир ташкилотга бинони, бошқасига унинг томини ижарага бера оламими?

8-БЕТ

Чет эллик ходимлар билан меҳнат муносабатлари қандай ўрнатилади

Экспортчиларга транспорт харажатлари компенсация қилинади

Худудлар ва тармоқлар экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясининг 30.06.2020 йилдаги 3257-сон қарори билан Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг вакиллари) экспорт қилинаётган маҳсулотни ташиш харажатларининг 50%гача миқдорда компенсация олишлари мумкин.

Экспорт қилишда ташиш харажатларини компенсация қилиш амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхати Президентнинг 07.05.2020 йилдаги «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4707-сон қарори билан тасдиқланган, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги эса субсидия тўлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Компенсация манфаатдор шахс - Ўзбекистонда давлат рўйхатига олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномаларига мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти (ёки унинг ваколатли вакили) га тўланади.

Экспорт қилувчилардан 2020 йилнинг 1 апрелидан

бошлаб экспорт қилган маҳсулотлари бўйича компенсация тақдим этиш учун аризалар қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирда қабул қилинади:

- экспорт қилувчи Ўзбекистонда давлат рўйхатига олинган;
- маҳсулотлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган;
- Ўзбекистон билан чегарадош бўлмаган (Афғонистондан ташқари) давлатларга экспорт қилинган маҳсулотлар, бундан тухум ҳамда парранда гушти ва маҳсулотлари (ТИФ ТН коди 0407210000, 0207) мустақило;

- маҳсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимида жойлаштирилган;

- экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар у томондан амалга оширилган бўлиши керак.

Компенсация миқдори қатъий маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишидан келиб чиқиб ҳисобла-

нади, бироқ, экспорт қийматининг (транспорт харажати):

- автомобиль транспортида ташишда – 5%идан;
- темир йўл транспортида ташишда – 7%идан;
- ҳаво транспортида ташишда - ТИФ ТН коди 07,08, 0904 ва 1202 билан бошланувчи мева-сабзавот маҳсулотларига - 12%идан, бошқа маҳсулотларга - 6%идан ортиб кетмаслиги керак.

Низомда компенсация миқдорини ҳисоблаш ва аниқлаш формуласи келтирилган, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати, шунингдек компенсация тақдим этишни рад этиш учун асослар белгиланган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

4-БҲМС «Товар-моддий захиралар» тасдиқланди

Молия вазирининг қарори (АВ рўйхат рақами 3259, 30.06.2020 й.) билан Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» тасдиқланди.

Стандарт юридик шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилайди.

Стандарт молиявий инструментлар ҳисобини юритишга нисбатан татбиқ этилмади.

Товар-моддий захиралар ҳисобининг қуйидаги асосий қоидалари белгиланди:

- тан олиш пайтини аниқлаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш;

- товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш, келгусида харажатларни, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини харажат сифатида тан олиш;

- товар-моддий захиралар қийматини реализация қилишнинг соф қийматига қадар камайтириш (баҳолаш);

- товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ҳамда молиявий ҳисоботда улар бўйича ахборотни ёритиб бериш тартиби.

Стандартда ташкилотларнинг товар-моддий захиралари турлари белгиланган, у ёки бу активларни инвентарь ва ҳўжалик жиҳозлари таркибига киритиш учун асос бўлиши мумкин бўлган мезонлар келтирилган.

Стандартда қуйидаги масалалар бўйича қоидалар белгиланган:

- товар-моддий захираларни тан олиш;
- харид қилинган товар-моддий захираларнинг таннархи;
- ташкилотда ишлаб чиқарилган товар-моддий захираларнинг таннархи;
- товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлаш усуллари;
- реализация қилишнинг соф қиймати;
- товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши;
- инвентарь ва ҳўжалик жиҳозларини ҳисобга олиш хусусиятлари;
- тараларни ҳисобга олиш хусусиятлари;

- ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш хусусиятлари;

- товар-моддий захираларни инвентаризация қилиш;

- товар-моддий захираларни олишга ишончнома;
- товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизимлари.

Молиявий ҳисоботда қуйидагилар ёритиб берилиши лозим:

- товар-моддий захиралар қийматини аниқлашда қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини баҳолашнинг қўлланадиган усуллари;

- товар-моддий захираларнинг якуний баланс суммаси ва баланс суммаси ташкилотга мувофиқ келадиган таснифда;

- сабабларини баён этган ҳолда, товар-моддий захираларни реализация қилишнинг соф қийматига қадар жиддий ҳисобдан чиқариш;

- ҳар қандай қисман ҳисобдан чиқарилган суммани тиклаш суммаси;

- ҳўжалик фаолиятининг ҳисобдан чиқарилган маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (Кўчирма)

- Баённома устидан шикоят қилиш ҳуқуқи
- Турар жой томини ижарага берса бўладими?

- 6 ой ичида тугатиш

- 3-беплар

- 8-беп

- 8-беп

- 8-беп

- 8-беп


- 8-беп

- 8-беп

- 8-беп

- 8-беп

- 8-беп



• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этиш 1-2-беплар

• РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:

— «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;

— Ер ресурслари ва давлат мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

— «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантириш молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат:

— Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясининг «Маҳсулотлар

ни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (Кўчирма)

• ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

— Баённома устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

— Турар жой томини ижарага берса бўладими?

— 6 ой ичида тугатиш

— Мақсадсиз харажатлар келишуви талаб этиди

• АЖАБ ДУНЁ

— Қурраи заминнинг ярим бойлигига 26 киши эгалик қилмоқда

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Хорижлик муассис учун рухсат берувчи ҳужжатлар

— Юқори малакали бош директор учун имтиёз

— Чет эллик ходим фойдаланмаган таътил

— Кечиккан ТМЭК ҳулосаси



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;
– «Ер ресурслари ва давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

– РҲТЭСРМДФЮ республика комиссиясининг «Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Кўчирма).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК, БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июль
ПФ-6021-сон.

ЎзР Президентининг 2020 йил 8 июлдаги ПФ-6021-сон Фармонига
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-837-сон Фармонида:

2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларининг экспорт-импорт ҳамда бошқа валюта операциялари бўйича хорижий валютадаги маблағлари ҳаракати устидан назорат қилиш Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига юклатилсин»;

илованинг 10 ва 11-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Валютани сотиб олиш, сотиш ва ундан фойдаланиш тартибларини бузганлик учун қонунчиликда белгиланган жазо чоралари қўлланилади».

11. Чет эл валютасидаги тушумни хорижий банкларда очилган ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда ўтказиш чет эл валютасидаги тушумни яшириб қолиш ҳисобланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1831-сон Фармонининг 1-бандида:

учинчи хатбошидаги «вакил банкларнинг» сўзлари «тижорат банкларининг» сўзлари билан алмаштирилсин; бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин; олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2079-сон Фармонида:

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.07.2020 йилдан кучга кирди.

2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «ваколатли банкларига» сўзлари «тижорат банкларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдagi «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5032-сон Фармони 3-банднинг учинчи хатбошисидаги «солиқ, божхона ва валюта» сўзлари «солиқ ва божхона» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармони 6-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошлар тегишсинча иккинчи-учинчи хатбошлар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармони 2-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банклари орқали эркин сотиши ва сотиб олиши ҳамда сотиб олинган маблағларни ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этиши мумкин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги «Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқишга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида»ги ПҚ-2237-сон қарори 5-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«тузилган шартномалар доирасида иш ҳақини чет элда очилган ҳисобварақларига хорижий валютани ўтказган ҳолда олиш ҳуқуқига эгадирлар».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Испом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2602-сон қарори 5-банднинг тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«илмий-технологик лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш учун Марказнинг чет эллик ходимларига иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар миқдори Марказнинг Васийлик кенгаши томонидан Япония илмий ва олий таълим муассасалари ставкалари даражасида тасдиқланади ҳамда уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўланади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2750-сон қарорига 3-иловланинг 34-позицияси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида Корея Республикаси Ҳукуматининг бегараз кўмагини жалб этган ҳолда ўқув-амалий тўқимачилик технопаркин ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2759-сон қарори 5-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«технопаркин фаолият кўрсатиши учун чет элдан жалб этиладиган педагог ва илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдори Васийлик кенгаши томонидан Корея университетлари ставкалари даражасида тасдиқланади ҳамда уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўланади».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори 4-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган тақлифлари асосида хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида амалга оширилади».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдagi «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сон қарорига:

а) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

б) 6-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдagi «Ўзбекидэрознерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2972-сон қарори 6-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«янгидэ гидроэлектростанциялар қуриш ва фаолият кўрсатганларини модернизация қилишда қатнашишга хориж мутахассисларини доимий ва вақтинчалик асосда жалб этиш, уларнинг фаолиятига тўланадиган ҳақни миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлашга рухсат берилсин».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3067-сон қарорига 1-иловланинг 33-позицияси «Давлат мулки объектнинг номи» устунидagi «УК» қисқартмаси «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги «Эзгу мақсад» халқаро хайрия жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3135-сон қарорининг 5-бандида:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирлиқлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3175-сон қарори 12-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ЭИЗ иштирокчилари учун қонунчиликда белгиланган солиқ ва божхона имтиёз ҳамда преференцияларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг ҳужалик фаолиятига аралашувага йўл қўймаслигини».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Пахтакор» футбол клуби моддий-техник базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3227-сон қарори рус тилидаги матннинг 7-банди учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«принимать на работу высококвалифицированных иностранных специалистов и осуществлять выплату им заработной платы в национальной валюте или иностранной валюте путем перевода средств на их зарубежные счета.».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3505-сон қарори рус тилидаги 8-бандидаги «АКИБ «Ипотечка-банк»» сўзлари «Ассоциация «Ўзбекбаликсаноат»» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3549-сон қарори 5-банднинг олтинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«ишга белгиланган тартибда юқори малакали хорижий мутахассисларни қабул қилиш, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3657-сон қарориди:

3-банднинг учинчи хатбошисидаги «солиқ, божхона ва валюта» сўзлари «солиқ ва божхона» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан ошмайдиган» сўзлари «бозор таъминотлари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сон қарори 3-бандининг ўн иккинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3927-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«юқори малакали чет эл мутахассисларини ишга қабул қилиш ва уларга Агентлик билан келишилган миқдорда иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлашга».

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон қарори 4-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4059-сон қарори 14-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, илгор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш».

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4105-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4112-сон қарори 3-иллованинг 24-позицияси чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4135-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4142-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«юқори малакали хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, шунингдек, уларга Вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4143-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4292-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган асосида миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин».

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4380-сон қарори 6-бандининг олтинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда малакали хорижий мутахассисларни уларга, истисно тариқасида, Агентлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали чет эл валютасида тўлаган ҳолда, ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш».

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «О'zbekiston tarixi» телеканални ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4390-сон қарори 10-бандининг учинчи хатбоши куйдаги тахрирда баён этилган:

«юқори малакали хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва ишга қабул қилиш ҳамда ажратилган

бюджет маблағлари доирасида уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тулаш ҳуқуқи берилсин».

Изоҳ: мазкур илованинг 1–11, 13, 15–17, 19-бандлари, 20-банднинг иккинчи хатбоши, 21–22, 24–25, 27–33-бандлари 2020 йил 1 августдан бошлаб қуча киради.

ЎЗР Президентининг 2020 йил 8 июлдаги ПҚ-6021-сон Фармонида 2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1193-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1749-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2084-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПҚ-2241-сон Фармони 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2772-сон Фармонида илованинг 2-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон Фармонида илованинг 1-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-4055-сон Фармонида илованинг 1-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 27 июндаги ПҚ-1193-сон Фармонида ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ПҚ-4891-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПҚ-5197-сон Фармонида илованинг 7-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5276-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПҚ-5447-сон Фармонида 1-илованинг 17 ва 20-бандлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-56-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 июлдаги «Ўздўзавто» акциядорлик жамияти автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-675-сон қарори 4-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилаётган узоқ муддатли кредитлари улушини қўлайитиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1166-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1461-сон қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2751-сон қарори 2-банди, шунингдек қарорга илованинг 2-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3351-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3383-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4348-сон қарори 4-бандининг «в» кичик банди.

Изоҳ: мазкур илова 2020 йил 1 августдан бошлаб қуча киради.

ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ер участкаларида, айниқса соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш, республиканинг туристик туманларида давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан берилган қуйдаги имтиёзлар бекор қилинади:

а) ер солиғи бўйича қуйдагилар томонидан эғалланган ер участкалари:

соғломлаштириш ҳамда дам олиш жойлари, хусусан дам олиш уйлари;

аҳолининг оммавий дам олиши ва туризм учун жойлар, агар улар тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган бўлса; санаторий-курорт объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса;

б) мол-мулк солиғи бўйича санаторий-курорт хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объектлари эғаллаган ерлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

2. Фойдаланилмаётган майдонларга нисбатан ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш бўйича белгиланган тартиб 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 1-банди «а» кичик бандида кўрсатилган ер участкаларига татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланилмаётган соғломлаштириш ва рекреацион ер майдонлари учун оширилган солиқ ставкаларини қўллаш механизми бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020

йил 1 сентябрга қадар бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (капиталида) давлат улуши миқдори 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, уларнинг таркибий бўлинмаларига тегишли бўлган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ идоравий дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектларни (болалар дам олиш лагерларидан ташқари) белгиланган тартибда хусусий секторга сотиш бўйича таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда республиканинг бошқа ҳудудларида жойлашган шунга ўхшаш объектларни хусусий секторга сотиш бўйича таклифларни киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда республиканинг туристик зоналаридаги алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкалари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер солиғининг 3 бараваригача оширилган ставкасини белгилаш имкониятини қўзда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармони 4-бандининг «в» кичик бандидаги «фойдаланилмаётган» сўзи «юридик ёки жисмоний шахс ўз фаолиятини коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли тўхтатишга мажбур бўлган ҳолларда, фойдаланилмаётган» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июль
ПФ-6027-сон.

Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.07.2020 йилдан қуча кирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ ҲАМДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаини яратиш ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантириш молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан (кейинги ўринларда – Жамғарма);

а) «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури учун қўшимча равишда 98 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни:

«Агробанк» АТБга – 40 миллион АҚШ доллари эквивалентида; АТ Ҳалқ банкига – 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида; «Микрокредитбанк» АТБга – 28 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

б) микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳала-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.07.2020 йилдан қуча кирди.

рини қўллаб-қувватлашга – 2 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

в) Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун Наманган вилояти ҳокимлигига 50 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳақидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) мазкур қарорга асосан ажратилган маблағлардан фойдаланиш мос равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4498-сон қарорида белгиланган тартиб ва шартларда Жамғарма ҳамда ваколатли банклар ўртасида тузилган кредит шартномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади;

Жамғарма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида тузиладиган шартнома орқали амалга оширилади;

Наманган вилоятида янги кичик саноат зоналарида инфратузилмани шакллантириш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Наманган шаҳридаги «Юксалиш» кичик саноат зонаси ҳудудида 2020-2021 йилларда полимер, енгил саноат,

электр техникаси, кимё ва қурилиш маҳсулотларини халқаро талаблар асосида синов ўтказадиган лаборатория, молия, транспорт-логистика хизматларини ўз ичига оладиган комплекс хизматлар марказини ташкил этиш мақсадларига йўналтирилади;

б) Наманган вилоятига кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Кенгаш томонидан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ҳафта муддатда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маблағларни ажратиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 14 июль
ПҚ-4782-сон.

**РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ
ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ**

**ҚАРОРИ
(Кўчирма)**

**МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА АВТОМОБИЛЬ, ҲАВО ВА
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҚИСМАН
КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШГА СУБСИДИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3257

Кун тартибидagi масала муҳокама қилинди ва муҳокама аянуларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Республика комиссияси қарор қилди:

1. Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қис-

ман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг
Республика комиссияси раиси
С.УМУРЗАКОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май
24/1-1111-сон.

*Республика комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги 24/1-1111-сон қарорига
ИЛОВА*

**МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА АВТОМОБИЛЬ, ҲАВО ВА
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҚИСМАН
КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШГА СУБСИДИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молия-

лаштириш ва сугурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ экспорт қилувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектларига (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизига қисмини Инвестициялар ва таъши савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва таъши савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги;

воситачилик шартномаси – бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топириги бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан экспорт шартномалари тузиш орқали комитент маҳсулотларини маълум бир ҳақ эвазига экспорт қилиш бўйича тузилган шартнома;

компенсация – маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизига қисмини қоплаб бериш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобланган, ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан тўлаб бериладиган маблаг;

маҳсулотлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхатида кўрсатилган маҳсулотлар. Бунда, мазкур рўйхатга Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси қарорлари билан ўзгариш ва қўшимчалар киритиб борилиши мумкин;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати – маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

субсидия – маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизига қисмини экспорт қилувчига компенсация қилиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ваколатли органга ажратиладиган маблаг.

транспорт-экспедиторлик компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспорти орқали экспорт қилишда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатувчи ҳўжалик субъекти;

транспорт компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспортида экспортта ташиш хизматларини кўрсатувчи ҳўжалик субъекти;

транспорт харажати – экспорт қилувчи томонидан маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида (аралаш ёки алоҳида транспортда) экспортта ташиш билан боғлиқ хизматлар учун тегишли шартнома (инвойс)ларга мувофиқ транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компаниясига тўланган маблаг ёки экспорт қилувчининг ўз балансидаги автомобиль транспортида маҳсулотларни экспортта етказиб бериш бўйича амалга оширган молиявий харажати, бундан денгиз транспортида ташиш харажатлари мустасно;

экспорт қилувчи – Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк қўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили;

2-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН АСОСИЙ ШАРТЛАР

3. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига компенсация тақдим этилиши учун:

экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган;

маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош бўлмаган (Афғонистон Ислом Республикасидан ташқари) давлатларга экспорт қилинган маҳсулотлар, бундан тухум ҳамда парранда гўшти ва маҳсулотлари (ТНФ ТН коди 0407210000, 0207) мустасно;

маҳсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимида жойлаштирилган;

экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да Инкотермс шартлари асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар экспорт қилувчи томонидан амалга оширилган бўлиши керак.

3-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИБ БЕРИШ УЧУН ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲЎЖАТЛАР ВА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

4. Ваколатли орган томонидан транспорт харажатларининг 50 фоизига қисмига компенсация қилиб бериш бўйича экспорт қилувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 1-илловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Транспорт харажатлари бўйича компенсация олиш учун экспорт қилувчи томонидан ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-илловасида** келтирилган шаклда ариза берилади. Бунда аризага қуйидаги ҳўжатлар илова қилиниши лозим:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

маҳсулотларни экспорт қилиш юкхатлари нусхаси;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси;

экспорт қилувчи билан транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси ўртасида тузилган маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва (ёки) ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳўжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўз балансидаги автомобиль транспортида экспортта ташишда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳисоб-китоблар тегишли ҳўжатлар нусхалари билан тақдим этилади;

маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташишганда маҳсулотлар экспортта ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойига бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар.

6. Экспорт қилувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳўжатлардан бошқа ҳўжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Экспорт қилувчи томонидан компенсация олиш учун ариза ва тегишли ҳўжатлар ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилади.

Бунда, экспорт қилувчилар 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида экспорт қилган маҳсулотлари бўйича амалга оширган транспорт харажатларининг 50 фоизига қисмига компенсация олиш учун ваколатли органга аризалар тақдим этишга ҳақли.

Аризада экспорт қилувчининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан бевосита тақдим этилаётганда ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳўжатлар тўлиқ бўлмаган ҳўжатларда ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайдиган.

9. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки элект-

*Низомга 1-6-илловалар «Норма маслаҳатчида» чоп этилмайди. Ҳўжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва ntuz.uz сайтида тан олиши мумкин.

рон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар пор-тали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, ваколатли орган уч иш куни мобайнида экспорт қилувчига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтаради.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар ваколатли орган томонидан етти иш куни давомида қўриб чиқилади.

11. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-бандидаги шартларга мувофиқлиги нўқтаи назаридан ўрганиб чиқади.

12. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг Интернет жаҳон ахборот тармо-ғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

13. Экспорт қилувчи аризаси бўйича компенсация бериш юзасидан қарор (хулоса) ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Бунда экспорт қилувчининг аризасини қўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

4-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИШНИ РАД ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ

14. Экспорт қилувчига компенсация беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ушбу Низомда белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишонсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган асо-сларга қўра экспорт қилувчига компенсация беришнинг рад эти-лишига йўл қўйилмайди.

16. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисида қарор (хулоса) олганда рад этиш асосларини бар-тарф этган ҳолда компенсация олиш учун ваколатли органга ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

17. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан (хулосадан) норози бўлган тақдирда, шунингдек, ваколатли органнинг мансабдор шахслари ҳара-кати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юқори ту-рувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

18. Компенсация миқдори мазкур Низомнинг 3–5-иловалари-да** келтирилган субсидияларнинг қатъий белгиланган миқ-дорлари жадвалига мувофиқ маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг 3–5-иловаларига мувофиқ ҳисобланган компенсация миқдори экспорт қилувчи амалга оширган ҳа-қиқий транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошиб кетган ҳолатларда компенсация миқдори экспорт қилувчи транспорт харажатларининг 50 фоизига тенг бўлади.

Бироқ, юқоридаги тартибда ҳисобланган компенсация миқдо-ри маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажасиз); автомобиль транспортида ташвишда 5 фоизидан; темир йўл транспортида ташвишда 7 фоизидан; ҳаво транспортида ташвишда ТИФ ТН қоди 07,08, 0904 ва 1202 билан бошлангувчи мева-сабзавот маҳсулотларига 12 фоизидан, бошқа маҳсулотларга 6 фоизидан ортиб кетган ҳолатларда компен-сация миқдори маҳсулот экспорт қийматига (транспорт харажасиз) нисбатан ушбу белгиланган фоизлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Миқсод учун: Узум маҳсулоти ҳажми 18 500 кг, экспорт қиймати – 157 250 000 сўм (8 500 сўм/кг), импорт қилувчи

давлат – Россия Федерацияси, транспорт харажати – 25 000 000 сўм унинг 50 фоизи 12 500 000 сўм, қатъий белгиланган субсидия миқдори 480 сўм/кг Компенсация миқдори: қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича – $18500 \times 480 = 8\,880\,000$ сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (5 фоизи) – $7\,862\,500$ сўм. Демак, тўлаб берила-диган компенсация миқдори 7 862 500 сўмга тенг.

19. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оши-рилади. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатининг миллий валютадаги қиймати экспорт қилувчи то-монидан транспорт харажатлари учун тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

20. Экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг 50 фо-изига қисмини компенсация қилиш ваколатли орган томонидан, унинг бюртномаларига мувофиқ 2020 йилда Ўзбекистон Респу-бликаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкироза қарши кура-шиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларида кўзда тутилган субсидия маблағлари доирасида амалга оширилади.

21. Ваколатли орган ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафта-нинг биринчи иш кунида экспорт қилувчилар томонидан тақдим этилган аризаларни қўриб чиқиш якунларига мувофиқ экспорт қилувчиларга компенсациялар бериш учун Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат бюджетни маблағларидан субсидиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюрт-номанома тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган томонидан тақдим этилган бюртноманомани олган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бюртноманома кўрсатилган субсидия маблағларини ваколатли органнинг махсус шахсий газна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда, молия йили якуни бўйича ушбу шахсий газна ҳисоб-варағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбеки-стон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

23. Ваколатли орган махсус газна ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини икки иш куни мобайнида ваколатли орган томонидан компенсация берилиши белгиланган тегишли экспорт қилувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобқамла-рига ўтказиб беради.

24. Маҳсулотлар консигнация шартномалари асосида экс-портга чиқарилганда мазкур Низомга мувофиқ экспорт қилу-вчига тақдим этилган компенсация тўловлари Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат бюджетидан қарздорлик сифатида эътироф этилади агар:

маҳсулотлар учун тўловлар шартнома ва қонунчиликда белгиланган муддатларда экспорт қилувчига келиб тушмаса;
маҳсулотлар сотилмасдан Ўзбекистон Республикасига қай-тариб келинса.

Бунда, экспорт қилувчи шундай ҳолат юз бергандан бошлаб бир ой муддатда тегишли компенсация тўловларини ваколатли органга қайтариши талаб этилади. Ушбу муддатда қайтарил-маган компенсация тўлови қонунчиликда ўрнатилган тартибда ун-дурувга қаратилади.

25. Компенсация берилган экспорт қилувчиларнинг реестри ваколатли орган томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига** му-вофиқ шаклда юритилади.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига маҳсулот-ларни экспорт қилишдаги транспорт харажатларини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия-вий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

27. Ушбу Низом талаблари бўзилишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бе-радилад.

Баённома устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

ИПХ ходими жисмоний шахсга светофорнинг қизил чироғида ўтганлиги учун баённомани ноқонуний равишда расмийлаштирган. Ҳайдовчи ИПХ ходими устидан қандай шикоят қилиши мумкин? Судга мурожаат қилишда давлат божи тўланиши лозимми?

— Ҳайдовчи қуйидагилар бўйича юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилишга ҳақли (ВМнинг 1.12.2018 йилдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 18-банди 15-хатбошичи):

- ИПХ ходимининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги);
- маъмурий ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тўғрисидаги баённома;
- чиқарилган қарор (МЖТК 314-м.).

Маъмурий судда ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги далилини низолаштириш, бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини қўймоқчи қилишнинг мумкин (МЖТКнинг 4-м. 1-қ.; 245-м. 2-қ.). Шикоятга қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

- давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;
- шикоятга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлиги;
- арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатларни;
- шикоятни имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.

Давлат божи миқдори БХМнинг 1 бараварини ташкил этади (6.01.2020 йилдаги ЎРҚ-600-сон Қонун билан тасдиқланган Ставкаларнинг 3-банди «б» кичик банди). Почта харажатлари суммаси судья томонидан мустақил равишда белгиланади, бироқ БХМнинг 1/10 қисмидан ошмаслиги лозим (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 113-м. 2-қ.).

Турар жой томини ижарага берса бўладими?

Ташкилот бинони ижарага беради. Ижарага берувчига уяли оператордан унга антенна ўрнатиш учун бино томини ижарага бериш таклифи тушди.

Бошқа ташкилотга бинони ижарага берган ижарага берувчи бино томини уяли операторга ижарага бериши мумкинми?

— Ижара шартномаси бўйича бино эгалик қилиш ва фойдаланишга ёки фақат ижарага олувчи фойдаланиши учун берилади (ФК 573-м.). Бино функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёналарини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизимидир (Шаҳарсозлик кодексининг 2-моддаси).

Ушбу таърифдан келиб чиқилади-ган бўлса, бинонинг тепа қисми унинг конструктив элементи ҳисобланади.

Ижара шартномаси ижарага олувчига ижарага олинган бинодан, шу жумладан унинг ажралмас қисми ҳисобланган тепа қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Шу тариқа, сиз бошқага ижарага берилган бино томини ижарага бера олмайсиз. Бироқ ижара шартномасига кўшимча битимни имзолашингиз мумкин. Унда бино тепа қисмисиз ижарага берилаётганлиги, ижарага берувчи уйнинг тепа қисмини бошқа шахсга ижарага бериши мумкинлиги, шунингдек ижарага олувчининг бинонинг тепа қисмидан фойдаланиш йўли бериш мажбуриятлари кўрсатилиши лозим.

Наргиза Воҳидова, «Norma» МЧЖ эксперти.

6 ой ичида тугатиш

100 фоизлик хорижий капиталли ташкилот (МЧЖ) муассиснинг қарорига кўра 2019 йил июнь ойида тугатиш жараёнини бошлаган. Барча кредиторлик қарзи сўндирилган, ходимларнинг кўпчилиги пулли компенсация тўланиб ишдан бўшатилган. Октябрь ойида солиқ текшируви ўтказилган. Бироқ компания балансида асосий воситалар — ишлаб чиқариш ускуналари ҳисобда туради, улар юзасидан муассис бир қарорга келмаган: уларни сотиш ёки дивиденд сифатида олишдан бирини танламаган. Шунингдек яна 5 нафар ходим (қоровул, бухгалтер, тугатувчи) ишлайди, уларга иш ҳақи ҳисобланади, солиқлар тўланади, ДСИга ҳисобот топширилади. Ҳозирги пайтда муассис тугатиш жараёнини 2020 йил 3 июлга қадар узайтирган, яъни корхона деярли бир йилдан ортиқ мuddатда тугатилади.

— Муассис ихтиёрий тугатишни узайтира олмайди.

Ихтиёрий тугатиш умумий муддати бу ҳақда Давлат хизматлари маркази хабардор қилинган кундан бошлаб 6 ойдан ошмаслиги лозим.

6 ой ўтгач Давлат хизматлари марказига ташкилотни давлат реестридан чиқариш учун ҳужжатлар тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатилади. Давлат хизматлари маркази бу ҳақда солиқ хизмати ва статистика органларига хабар қилади ҳамда ёпилган банк ҳисобрақамлари тикла-

нади (Низомнинг 38-банди, ВМнинг 21.08.2019 йилдаги 704-сон қарорига 1-илова).

Ихтиёрий тугатиш мuddатида якунланмаган ёки тугатиш жараёни тўхтатилган ва фаолият тикланган бўлса, белгиланган имтиёзлар (Низомнинг 18-банди «а» кичик банди 3-хатбошичи) қўлланилмайди ва ҳисоблашлар тўхтатилган давр учун барча тўловлар тўлиқ ҳажмда ундирилади (Низомнинг 39-банди).

Мазкур ҳолатда ихтиёрий тугатиш-ни қайтадан бошлаш лозим.

Мақсадсиз харажатлар келишувни талаб этади

Нодавлат нотижорат ташкилотни мақсадли бегараз молиявий ёрдам олган ва сумманинг катта қисмини сарфлаб бўлган. Бироқ маблағлар ажратилган мақсадлар амалга оширилганидан кейин сумманинг бир қисми қолган. ННТ сумманинг қолган қисмини молиявий ёрдам кўрсатган донор билан келишиб олмаган ҳолда, бошқа устас мақсадларига сарфлашни режалаштирган.

Бегараз молиявий ёрдамнинг қолган қисмини мақсадли йўналиш бўйича эмас, балки бошқа мақсадларда фойдаланишни донор ва текширувчи органлари билан келишиб олиш лозимми?

— Ҳа, келишиб олиш зарур.

Молиявий ёрдам берганнинг розилиги билан мақсадли пулли маблағлардан белгиланган мақсади бўйича эмас, балки бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда у ажратилган маблағларни қайтаришни талаб қилишга ҳақли (ФК 511-м.).

Пул маблағларининг қолган қисмидан дастлабки шартномада қайд этилмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга ёзма розиликни олинг.

Текширувчи органлари алоҳида хабардор қилиш шарт эмас. Бироқ текширув чоғида сизда тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши лозим.

Альберт Сафин, «Norma» МЧЖ эксперти.

Курраи заминнинг ярим бойлигига 26 киши эгалик қилмоқда

АЖАБ ДУНЁ

Дунёнинг 26 нафар бой одамлари сайёрамиз аҳолисининг ярми тўплаган бойликни қўлида сақламоқда, Ер куррасининг 70 фоиз аҳолиси ўсиб бораётган тенгсизлик шароитида яшамокда, деди БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш.



Бош котиб Африканинг жанубида умрини апартеид режимига қарши курашга бағишлаган Нельсон Манделанинг хотирасига бағишланган видеолар орқали маъруза қилди. «Тенгсизлик ҳозирги даврга хос бўлиб бораётган жиҳатга айланган. Дунё аҳолисининг 70 фоизидан зиёди даромад ва бойлик орттиришда тенгсизликнинг ўсиб бориши шароитида кун кечирмоқда. Курраи заминда 26 та энг давлатманд одамлар қўлида тўплаган бойлик сайёрамиз аҳолисининг ярмининг бойлигига тенг», — деди Гутерреш.

Бош котибнинг таъкидлашича, тенгсизлик нафақат даромадлар, ойлик маошлар ва бойлик билан ўлчанади. Балки одамларнинг ҳаётида бирор нарсага эришишга бўлган имконияти «унинг жинсига, оилави ва этник келиб чиқишига, irqига, ногиронлиги ёки ногирон эмаслигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда».

Бундай тенгсизлик кўпчилик учун, айниқса, маҳаллий халқлар, мигрантлар, қочқинлар ва бошқа турли

озчиликлар учун камситилиш, қадрини ерга уриш ҳисобланади. Бундай тенгсизлик инсон ҳуқуқига тўғридан-тўғри таъовуз солади, деди Гутерреш.

«COVID-19 пандемиясига ҳам дунёдаги кўплай одамлар тенгсизлик уларнинг ҳаётини истиқболлини ва имкониятларини йўққа чиқараётганини тушуниб етганди. Улар дунёнинг мувозанатдан чиқиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда, ўзларини тақдир ҳужмига ташлаб қўйилган, деб ҳис қилмоқда. Улар мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида ресурслар юқорига, имтиёзли, мавқеи баланд озчиликка йўналтирилаётганини қўриб турибди», — дея таъкидлади Гутерреш.

У барча қўлғаларда миллионлаб кишилар ўзларининг овозларини эшитилиши учун кўчага чиқётганини эслатди.

«Буларнинг барчасига юқори ва ўсиб бораётган тенгсизлик умумий омил бўлмоқда», — деди у.

ЎзА асосида.

buxgaller.uz порталига келиб тушган чет эллик ходимлар билан меҳнат муносабатлари ўрнатилишига доир саволларга «Assistance In Tax» солиқ маслаҳатчилари ташкилоти директори Радмила Каримова жавоб берди.

Юқори малакали бош директор учун имтиёз

— Корхона директори — чет эллик, халқаро эътироф этилган олий таълим муассасаларининг юқори 1 000 талигига қирадиган олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисида дипломга эга, дипломда кўрсатилган «геофизик» мутахассислиги бўйича 5 йил ишлаб берди.

Бош директор — бошқарув ходими, диплом бўйича мутахассислиги эса техник мутахассислик эканлигига қарамай, у юқори малакали мутахассис сифатида ЖШДСни пасайтирилган ставка бўйича тўлаш ҳуқуқига эгами?

— Чет эллик фуқаро юқори малакали мутахассис ҳисобланади, агар у (7.11.2018 йилдаги ПҚ-4008-сон қарор 3-бандининг «а» кичик банди):

— халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллайдиган олий таълим муассасаларини битирган бўлса. Уларнинг рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади;

— эътироф этилган мутахассислик ёки дипломдаги мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлса;

— Ўзбекистонда меҳнат фаолиятига йилга 60 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган суммада иш ҳақи (мукофот) олиш шарти билан жалб этилган бўлса.

Юқори малакали чет эллик мутахассиснинг айбли ҳаракатлари натижасида меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, қўлланилган солиқ имтиёзига асосан тўланмаган солиқ суммаси ундан ундирилади (ПҚ-4008-сон қарор 5-бандининг «б» кичик банди).

Чет эллик ходим фойдаланмаган таътил

2019 йил октябрда корхона чет эллик фуқаро билан меҳнат шартномасини тузган. 2020 йил майда у ишдан бўшаган.

Корхона унга фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўлаши лозими?

— Ҳа, мазкур ҳолатда компенсация тўланади.

Чет эллик фуқаро билан меҳнат шартномаси тузилганлиги боис у меҳнат муносабатлари субъекти ҳисобланади ҳамда унга нисбатан Меҳнат кодексининг барча нормалари татбиқ этилади (МК 14-м.).

Меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, унга барча фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МК 151-м.).

Компенсацияни ҳисоблашда таътиллари муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда аниқланг. Ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтиринг. Бунда 15 календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб ҳисобланади, 15 календарь кундан кам эса чиқариб ташланади (МК 141-м.).

МИСОЛ. Фойдаланилмаган таътил ҳисоб-китоби

Ходим 2019 йил октябрдан 2020 йил майгача 6 ойу 20 кун ишлаган. Жамoa шартномаси бўйича унга амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ 15 иш кунлик асосий таътил (МК 134-м.), шунингдек 9 иш кунлик қўшимча таътил берилиши лозим.

Ходим ишдан бўшатилганда унга фойдаланилмаган асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади. Уни ҳисоб-китоб қилиш учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ушбу таътиллари давомийлигини аниқланг.

Ходим 6 ойу 20 кун ишлаганлиги боис ҳисоб-китобда 7 ой деб ҳисобланг. 20 кун тўлиқ бир ой деб ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда фойдаланилмаган таътил давомийлиги 14 кунни ((15 + 9) / 12 x 7) ташкил этади.

Радмила Каримова.

Кечиккан ТМЭК хулосаси

Ходимга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса муносабати билан етказилган зарар миқдори қоплаб берилмаётган эди. Тўлов муддати меҳнат қобилияти 35%га йўқотилгани ҳолда 2020 йил 1 апрелгача белгиланган. Коронавирус пандемияси туфайли 2020 йил 2 июндан 2021 йил 1 июнгача бўлган муддатга наъбатдаги ТМЭК хулосаси кечиктирилган, унда меҳнат қобилияти 60%гача йўқотилганлиги кўрсатилган ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Апрельдан июнгача бўлган даврда тўлов тўланмаган.

Ходим коронавирус пандемияси сабабли ТМЭК хулосасини вақтида ололмаган бўлса, корхона қайси даврдан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарарни қоплаш учун тўлов тўлашни давом эттириши лозим?

— Ўзбекистонда коронавирустга қарши курашиш махсус комиссиясининг 14.04.2020 йилдаги қарори билан карантин даврига тўғри келган фуқароларнинг ногиронлиги муддатлари тугаши автоматик равишда (тиббий текширувларсиз) 4 ойга узайтирилади, бу эса улар тегишли пенсия ва нафақа олишда давом этишларида имкон яратди.

Бундан келиб чиққан ҳолда 2020 йил 1 апрелдан 31 майгача бўлган муддатда зарарни қоплаш учун тўлов тўлаши лозим.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Хорижлик муассис учун рухсат берувчи ҳужжатлар

Корхона хорижлик муассисни штатга ишга қабул қилмоқчи. Бунинг учун қандай рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши лозим ва ҳар доим шундай қилиниши керакми?

— Ўзбекистонга хориждан ишчи қучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби махсус Низом (ВМнинг 25.03.2019 йилдаги 244-сон қарорида 1-илова) билан белгиланган.

Хорижлик мутахассисни ишга ёллаш учун қуйидаги ҳужжатлар олиниши лозим:

— иш берувчи — хориждан иш қучини жалб этиш учун рухсатнома;

— чет эллик фуқаро — меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома.

Ушбу ҳужжатларсиз хорижликни ишга ёллаш олмайсиз (Низомнинг 4, 6-бандлари).

Бироқ ушбу қоидада рухсатнома олиш ва тасдиқнома талаб этилмайдиган истисно ҳолат мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатадиган ёки ташкил этиладиган хорижий ва қўшма корхоналар таъсисчилари бўлган чет эллик фуқароларни 3 ойгача муддатга жалб этишда (Низомнинг 2-банди).

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олаётган, шунингдек хорижий корхона ташкил этиётган хорижий инвесторлар ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларсиз мазкур ташкилотда исталган лавозимда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Инвестициялар миқдори уларни киритиш вақтида БҲМнинг 8500 бараваридан кам бўлмаслиги лозим (7.11.2018 йилдаги ПҚ-4008-сон қарорнинг 5-банди «а» кичик банди).

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Ратно
ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета ношир — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр курсатқини — 186. Қўзғалғини — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ, Бэхоси кўпайишнинг нарҳида.
Буортма г-722. Адади 585. Газета 2020 йил 20 июль соати 15.00 да топирилади.